

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шартномага томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар қиради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт газначилик бўлинималарида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 й. "31" декабригача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Етказиб берувчи»

Манзил: Ҳироттепа тумани
Тел./факс: 87 272-62-81
х/в: 2022 8900 300 715 398 000
Банк номи: ХАМБОШИ А.С.

МФО 00659 СТИР 304582570

ОКОНХ 21210



Рахбар: Х.Эрашев

«Буюртмачи»

Манзил: Кургонтепа Мурувват уйи
Манзил: Кургонтепа шаҳар Истиклол куча 47 уй
Тел./факс: 723 - 28 - 04
ш/х: 400721860032207101204344001
бюджетдан маблағ олувчи
СТИР 200279160 ОКОНХ 91800

Газначилик бўлинимаси номи: Кўргонтепа тумани

бўйича Газначилик бўлинимаси

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар
бош бошқармаси ХККМ

МФО: 00014

газначилик бўлинимаси СТИР: 201122919

Рахбар: Х.А.Халилова



Ҳуқуқшунос: А.Эгамбердиев

сана "27" 01 2022 йил